“TEMIRYO‘L-SUG‘URTA” АЖ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«TEMIRYO‘L-SUG‘URTA» АЖ
Бош директори

_____ Умаров С.А.
30 декабр 2025 йил

ТАКОФУЛ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

Тошкент – 2025 й.

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

Мундарижа

I. ҲУЖЖАТНИНГ МАҚСАДИ
II. ҲУЖЖАТ ҚЎЛЛАНИЛИШ ДОИРАСИ
III. НОРМАТИВ ВА БОШҚА МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР
IV. ТЕРМИН ВА АТАМАЛАР
V. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
VI. ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ
VII. ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ
VIII. ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИ
IX. ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ДОИР МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ
X. ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ
XI. ЭКСПЕРТ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ
XII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

I. ҲУЖЖАТНИНГ МАҚСАДИ

Ушбу "Такофул масалалари бўйича экспертлар кенгаши тўғрисида Низомнинг" мақсади "TEMIRYO'L-SUG'URTA" акциядорлик жамияти (кейинги матнда "Жамият" деб номланади) Такофул масалалари бўйича экспертлар кенгаши мақоми ва фаолият тартибини Жамиятнинг жараёнларида белгилаб беришдан иборатдир.

II. ҲУЖЖАТ ҚЎЛЛАНИЛИШ ДОИРАСИ

Ушбу ҳужжат Жамиятнинг бевосита фаолиятида ва бизнес жараёнларида қўлланилади.

III. НОРМАТИВ ВА БОШҚА МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР

- Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик Кодекси", 52 боб;
- ISO 9001:2015 «Сифат менежменти тизими» халқаро стандарти.

IV. ТЕРМИН ВА АТАМАЛАР

Жамият	"TEMIRYO'L-SUG'URTA" акциядорлик жамияти
Такофул	Такофул – суғурталашнинг бир шакли бўлиб, ислом молияси тамойилларига мувофиқ белгиланган маълум қоидаларга асосан мижозлардан суғурта бадалларини жамғариш ва ушбу жамғарма ҳисобидан зарар кўрган мижозларнинг зарарларини қоплашни назарда тутади.

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

Экспертлар кенгаши	Жамиятнинг такофул бўйича экспертлар кенгаши
Қонун	"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни
Низом	"TEMIRYO'L-SUG'URTA" АЖ такофул масалалари бўйича экспертлар кенгаши тўғрисида Низом

V. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

5.1. Низом қонун ҳамда жамият уставига мувофиқ ишлаб чиқилди.

5.2. Жамиятнинг экспертлар кенгаши жамият фаолиятини амалга оширишда такофул соҳасида юзага келаётган масалаларни ҳал этади ҳамда бу борада қарорлар қабул қилади, қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

5.3. Экспертлар кенгаши коллегиал орган ҳисобланади. Жамият Ижроия органининг қарорига кўра экспертлар кенгаши вазифаларини бажарувчи сифатида ўз жамоасида ушбу низом талабларига жавоб берувчи мутахассисларга эга бўлган бошқа ихтисослашган ташкилот ҳам ёлланиши мумкин.

5.4. Жамият экспертлар кенгаши ўз ишини қонунчилик, жамият устави, жамият акциядорлари умумий йиғилиши, кузатув кенгаши қарорлари ва ушбу низом асосида амалга оширади. Жамият экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланган ҳужжатлар ижро органи томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

5.5. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва тавсиялар тайёрлаш учун экспертлар кенгаши аъзолари орасидан қўмита, комиссия ва ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

VI. ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

6.1. Жамият экспертлар кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятнинг такофул соҳасидаги кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органи ҳисоботини мунтазам равишда (ҳар чоракда камида 1 маротаба) эшитиб борган ҳолда жамиятнинг бу соҳадаги фаолияти йўналишларини белгилаш;
- жамият такофул фаолиятининг ислом молияси тамойилларига мувофиқлигини таъминлашга оид ижро органи учун мажбурий бўлган тартиб ва қоидаларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг такофул соҳасидаги йиллик бизнес-режасини кўриб чиқиш ва маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган такофул соҳасидаги бизнес-режаси жамият экспертлар кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизмати ҳисоботларини эшитишда иштирок этиш ҳамда такофул фаолиятини ички аудитини ўтказиш тартиб ва қоидаларини тасдиқлаш;
- жамият ижроия органининг такофул соҳасидаги фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият экспертлар кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият экспертлар кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- жамият фаолиятида такофул соҳасидаги операцияларни амалга оширишда юзага

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

келаётган масалалар юзасидан тавсия ва хулосалар бериш;

- такофул операторининг хизмат ҳақи сифатида такофул суғурта бадалидан оладиган улушини тасдиқлаш;

- жамиятда экспертлар кенгашининг қарорлари бажарилишини текшириш ва назорат қилиш.

6.2. Жамият экспертлар кенгашининг ваколат доирасига қонун ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин. Бунда ушбу Низомга тегишли ўзгартириш киритилади.

6.3. Жамият экспертлар кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг кузатув кенгаши ёки ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

VII. ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ

7.1. Жамият экспертлар кенгашининг аъзолари жамият ижроия органи томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади.

7.2. Жамиятнинг экспертлар кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

7.3. Жамият ижроия органи аъзолари ва директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг экспертлар кенгашига сайланиши мумкин эмас.

7.4. Жамиятнинг экспертлар кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

7.5. Экспертлар кенгашининг аъзолари сони камида уч кишидан иборат бўлади.

7.6. Экспертлар кенгаши аъзолари ижроия органи томонидан тайинланади.

7.7. Жамият экспертлар кенгашининг раиси, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, экспертлар кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан экспертлар кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

7.8. Жамиятнинг экспертлар кенгаши ўз раисини экспертлар кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

7.9. Жамият экспертлар кенгашининг раиси:

- унинг ишини ташкил этади;

- экспертлар кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

- мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

7.10. Жамият экспертлар кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини экспертлар кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

7.11. Экспертлар кенгашига сайланган шахснинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Жамият ижроия органининг қарори билан амалга оширилади.

7.12. Экспертлар кенгашининг аъзоси ўз хоҳишига кўра истаган пайтида, Экспертлар кенгашида ўз фаолиятини тўхтатиш кунидан бир ой олдин Экспертлар кенгаши раисини огоҳлантирган ҳолда Экспертлар кенгаши таркибидан чиқишга ҳақли. Бу ҳолда ижроия органи қарори асосида Экспертлар кенгаши аъзосини алмаштиради.

7.13. Экспертлар кенгаши аъзоси ёки барча аъзоларининг ваколатлари Ижроия органи томонидан қуйидаги ҳолатларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

- узрли сабабсиз Экспертлар кенгашининг ишида уч мартадан ортиқ қатнашмаслиги;

- Экспертлар кенгаши аъзоларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

Жамиятга салбий оқибатлар олиб келганлиги.

VIII. ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

8.1. Жамият экспертлар кенгашининг мажлиси:
- экспертлар кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра;
- жамият экспертлар кенгаши аъзоси ташаббусига кўра;
- жамият кузатув кенгаши аъзоси ташаббусига кўра;
- тафтиш комиссияси (тафтишчисининг) аъзоси ташаббусига кўра;
- ижроия органи ташаббусига кўра чақирилади.

Жамият экспертлар кенгашининг мажлисига тайёргарлик кўриш учун экспертлар кенгаши раиси мажлисдан камида 2 (икки) кун аввал мажлис кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалалар ва бошқа тегишли маълумотларни аъзоларга юбориш бўйича аъзолардан бирига топшириқ беради.

8.2. Жамият экспертлар кенгаши мажлиси кворум экспертлар кенгашига сайланган аъзоларнинг 60 (олтмиш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

8.3. Экспертлар кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунда ва жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, муҳим бўлган масалалар бўйича бир овоздан, муҳим бўлмаган масалалар бўйича мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

8.4. Экспертлар кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда экспертлар кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

8.5. Экспертлар кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

8.6. Жамият экспертлар кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кенгаш томонидан қарор қабул қилишда экспертлар кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи мавжуд.

8.7. Экспертлар кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Экспертлар кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

8.8. Экспертлар кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган экспертлар кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

8.9. Экспертлар кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) экспертлар кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

8.10. Экспертлар кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига топширилади.

IX. ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ДОИР МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

9.1. Экспертлар кенгаши аъзоси қуйидаги талабга жавоб бериши керак:
- камида беш йиллик иш стажига эга бўлиши.

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

9.2. Экспертлар кенгаши аъзоси қуйидаги талабларга жавоб бериши ижобий баҳоланади:

- ислом молияси соҳасида амалий тажрибага эга бўлиши;
- ислом молияси соҳасида илмий ва таълим бериш борасида тажрибага эга бўлиши;
- бошқа ташкилотларнинг такофул воситалари бўйича кенгашларида аъзо бўлиш тажрибасига эга бўлиши.

X. ЭКСПЕРТЛАР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

10.1. Экспертлар кенгаш аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- экспертлар кенгаш мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиқиш;
- жамиятнинг такофул соҳасидаги фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;
- экспертлар кенгашида вазифаларни бажарганлик учун тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш;
- қонунчилик, жамият устави ва мазкур низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

10.2. Ижроия органининг қарорига кўра экспертлар кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) экспертлар кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари ижроия органининг қарорида белгиланади.

10.3. Экспертлар кенгашининг аъзолари қуйидагиларга мажбур:

- жамият битим тузишидан аффилланганлиги тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятни хабардор этиш;
- ўз мажбуриятларини ҳалол бажариш;
- жамият манфаатлари йўлида ўз мажбуриятларини “энг яхши” деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириш;
- қонунчилик, жамият устави ва мазкур низомга мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

10.4. Экспертлар кенгаши аъзолари кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

10.5. Экспертлар кенгаши аъзолари жамият имкониятлари (мулкий ва номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

XI. ЭКСПЕРТ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Экспертлар кенгашининг аъзолари жамият олдида қонунчилик, жамият устави ва ушбу низомга мувофиқ жавоб берадилар.

11.2. Экспертлар кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб ҳамда ислом молияси тамойилларига риоя қилган ҳолда иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

11.3. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

11.4. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган экспертлар кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ

11.5. Суд экспертлар кенгаши аъзосини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига асосан тугатилиши мумкин.

11.6. Экспертлар кенгаши аъзоси жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

XII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Жамият ижро органи раҳбари экспертлар кенгаши аъзоларини зарур материаллар билан таъминлаш ҳамда акциядорлар ва инвесторлар ўртасидаги ўзаро алоқа учун масъулдир.

12.2. Мазкур низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки жамият уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар тартибга солган масалалар юзасидан мазкур низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва/ёки жамият устави талабларига риоя этиш лозим.

XIII. ИЛОВАЛАР

Иловалар йўқ.

XIV. ХУЖЖАТ ТАРИХИ

Хужжатнинг Статуси (Асосий хужжат /Ревизия/Бекор қилиш)	Хужжат Ревизияси	Кучга киритилган/ Бекор қилинган, сана	Изох
Базавий хужжат		03/08/2023	Буйруқ 93-П, 3 август 2023 йил
Ревизия	A	30/12/2025	Буйруқ 127-П, 30 декабр 2025 йил

«ASSOODIQ CONSULT» МЧЖ